

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ НАЪТЛАРИДА НУР ТАЛҚИНИ

Зиёда Гаффорова,

филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Тошкент амалий фанлар университети доценти, “Шухрат” медали соҳибаси

телефон рақами: 99 006 -29-59

Аннотация: Маърузада буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг наът газалларида нур талқини таҳлил этилади. Нур тасвири орқали Аллоҳнинг икки оламни яратишдан олий мақсади – Муҳаммад алайҳи-с-саломни яратиш бўлгани гоёси илгари сурилгани ёритилади. Маърузада, шунингдек, наът газалларда нур талқини икки тарзда, яъни бевосита ҳамда билвосита намоён бўлиши кўрсатилган.

Калит сўзлар: Аллоҳ, Муҳаммад (с. а. в.), Навоий, Рабғузий, инсон, олам, ислом, ҳамд, наът, нур, меърож, васф наът, меърожнома наът.

Аннотация: В докладе анализируется толкование света в газелях наът великого узбекского поэта и мыслителя Алишера Навои. На основе толкования света освещается что, причина приобретения Аллахом таалавсего два мира была создание Мухаммада (с. а. в.), т. е. это было великой целью Бога. В докладе а также показано, что в газелях наът толкование света освещается двумя видами, т. е. непосредственно и посредственно.

Ключевые слова: Аллах, Тангри, Мухаммад (с. а. в.), Навои, Рабғузи, человек, мир, ислам, хамд, наът, свет, миърадж, наът-похваление, наът-миъраджнаме.

Олам олдин бунёд этилганми ёки одам? Бу – фалсафанинг кўп кўхна саволи. Юзакироқ қараганда, аввал – олам, кейин – одам бунёд этилган. Чунки, диний ақидага кўра, Одам Атони Тангри тупроқдан яратди. Тупроқ бор эканми, мантиқан Одам Ато яратилаётганда олам мавжуд эди-да.

Навоий наътлари қат-қатига кириб бораверганимиз сари исломда, табиийки, унинг бағрида пайдо бўлган тасаввуф фалсафасида бу нарсалар тамоман бошқача талқин этилишининг гувоҳи бўламиз.

Гоё сифатида, назарий жиҳатдан, яъни фикран Аллоҳ аввал инсонни яратди. Олам ана шу инсонни яратиш учун восита сифатида бунёд этилди. Шунинг ўзидаёқ аввал – одам, кейин – олам деган тушунча келиб чиқади. Лекин масаланинг моҳиятига етмагунча буни тўла тушуниб олиш қийин.

Кетма-кетлиги жиҳатидан олам – биринчи, одам – иккинчи барпо бўлди. Лекин мантиқан эса оламни яратишдан кўзланган бош мақсад – одамни яратиш. Шу тариқа одам – мақсад, олам – восита экани аёнлашади. Одамнинг оламдан олдин яралганини исботловчи бошқа мантиқий асос ҳам бор. Буни биз Навоийнинг наът газалларида нур талқини таҳлили мисолида кўриб ўтамиз.

XX асрда навоийшунослик улкан ютуқларга эришди. Шоирнинг буюк мероси бир ерга йиғилди, нашр этилди, ўрганилди. Худди шу асрда ҳар бир сатри, байти, ишорасини ҳам талқини таҳлил этиш даври бошланди. Бироқ шўро мафкураси шоир меросининг диний-фалсафий моҳиятини тўлиқ очишга

асло йўл бермади. Шоир асарларида нур талқини ҳам «ёпиқ мавзулар» сирасига кирар эди.

Ҳолбуки, Навоийнинг Муҳаммад алайҳи-с-салом тасвирларидаги сатрларида бот-бот нур тушунчасига дуч келамиз. Наът ғазалларда учрайдиган нур биланбоғлиқ талқинлар ҳам илман ўрганилиши, бундай тасвирлар моҳияти чуқур очиб берилиши лозим жиҳатлардан ҳисобланади.

Онгми олдин яралган ё материями экани борасидаги баҳс азал-азалдан фалсафанинг бош муаммоси бўлиб келган. Исломда бу масала юзасидан икки хиллик йўқ: аввал Аллоҳ бор эди, сўнг у оламу одамни яратди. Энди бояги масала кўндаланг бўлади: Аллоҳ оламни олдин яратдими ёки одамними? Юқорида эслаб ўтилганидек, одамнинг тупроқдан бунёд этилгани инобатга олинса, аввал олам бўлгандек тасаввур туғилади. Аслида эса ундай эмас.

Буни Навоийнинг биргина наът ғазаллари мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки шоир дунёқараш билан боғлиқ айна муҳим масалада исломий ақидада мустаҳкам туради. Унинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-салом таърифига бағишланган наът ғазалларида тез-тез учрайдиган бир талқинга кўра, Аллоҳ оламни, яъни икки дунёни пайдо қилмасдан бурун бир улуғ нур яратди. Бу, аслида, аср-асрлар ўтганидан кейин, яъни бир юзу йигирма тўрт минг пайғамбарнинг сўнггиси бўлиб эрамизнинг VI асрида – айнан милодий 570 йили жисман дунёга келган Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг нури эди. Бу исломда “Нури Муҳаммадия” деган атама билан машҳур. Ақидага кўра, Тангри ана шу нури Муҳаммадия туфайли икки оламни, сўнг эса Одам Атонию Момо Ҳавони яратди. Демак, кулли мавжудот – бутун борлиқ асосида ана шу Муҳаммад пайғамбар нури ётади. Бошқача айтганда, Аллоҳнинг оламни яратишдан олий мақсади – Муҳаммад алайҳи-с-саломни дунёга келтириш эди.

Шу ақидадан беҳабар ҳолда Навоийнинг наът ғазалларини, улардаги талқини тасвирларни тушуниш мумкин эмас. Чунки ўқувчида: “Нур ўзи нима?”, “Бу нурнинг пайғамбарга нима алоқаси бор?”, “Шоир нур орқали пайғамбарнинг айнан қайси хусусияту хислатини кўрсатмоқчи бўлади?” – деган саволлар туғилавериши табиий.

Масалан, XIV аср адиби – Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида ана шу нурни тушуниб олиш учун керакли, жуда муҳим тасвирлар мавжуд. Мазкур асарда келтирилган Одам Атонинг яратилиши ҳақидаги саҳифалардан биламизки, Одам яратилишидан бурун фаришталар мавжуд эди. Одам Атонинг Азройил ердан олиб келган тупроқдан яратилгани тасвири Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”сида ҳам келтирилади. Лекин “Қисаси Рабғузий”нинг Муҳаммад алайҳи-с-салом ва Жабройил ўртасида кечган савол-жавоб баёнига етганда, мавзумиз учун жуда

муҳим бир нуқтага дуч келамиз. Аввал бу савол-жавобнинг қисқача мазмунини баён этайлик.

Бир куни Муҳаммад пайғамбар Жабройилдан: “Ё ахий, Жабройил, сенму ёшға улуғсен ё манму?” – деб сўрайди. Шунда Жабройил: “Ё Расулуллоҳ, ман кенду ёшимни (ўз ёшимни) тажриба қилмишим йўқ, аммо бир юлдуз бор – Нашрдамук отлиғ, ўтуз минг йилда бир туғар. Анинг ўтуз минг йўли туғганин кўрубман”¹.

Шунда Расулуллоҳ (с. а. в.): “Ул менинг нурим эди”, – деб жавоб берди ва ўзининг Жабройилдан олдин яратилганини айтди. Қандай қилиб? Муҳаммад алайҳи-с-салом ҳам – инсон, яъни Одам алайҳи-с-саломдан кейин туғилган, ул зотга авлод бўлган киши. Жабройил эса Одам Атодан илгари ҳам мавжуд эди. Унда қандай қилиб Муҳаммад алайҳи-с-салом Жабройилдан олдин яратилган бўлиши мумкин?

Расулуллоҳ буни Жабройилга мана бундай исботлаган бўлади:

“Менинг ёшим сандин улуғ эрмиш, анинг учунким қамуғдин (ҳаммадан) бурунроқ **манинг нуримни** (таъкид бизники – З. Ғ.) Мавло таоло яратти”².

Нур “ҳаммадан бурун” яралди, лекин у қандай қилиб Муҳаммад пайғамбаргача етиб келди? Ёки бунинг айнан ҳали туғилмаган Муҳаммад пайғамбарнинг нури эканини қаердан биламиз?

Рабғузийнинг ёзишича, ана шу нури Муҳаммадия аввал Одам Атога, ундан Момо Ҳаввога ўтади. Кейин у Шис пайғамбарда пайдо бўлади. Шу тариқа бу нур оталардан оналарга, оналардан ўғилларга ўтиб келар эди. Аста-секин у Абдуллоҳга – Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)нинг оталарига тегди. Бу нури ҳамма кўрар эди. Ҳамма бу нур Муҳаммад расулуллоҳнинг нурилари эканини билар эди³.

Рабғузий асарининг Одам ҳақидаги қиссасида тасвирланишича, Одам яратилганидан кейин етти кун ўтгач, уни кийинтирдилар. Шунда Муҳаммад мустафонинг нури гўё бир Ойдек бўлиб, Одамнинг олдида порлаб турди. “Одам ул нури(нг) ёруқлуқин кўриб, бу нури ман бир кўрсам, теб кўсади эрса, Изи (Худо) аzza ва жалла ёрлиқи бирла ул нур Одамнинг олдидан ўнг янгоғинга инди. Яна эгнига инди, андин Одам кўлинга. Илкини ул нурга кўтуру берди, нур андин иниб, шаҳодат эрнакининг учинда тўруқди. Одам эрнакин юқору кўтуруб, анинг кўркин кўруб, тонглаб: «Ло илоҳа иллАллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳи», – теди. Аввал эрнакни кўтуруб, шаҳодат калимасин аймоқ одам ўғлонлариға суннат қолди”⁴.

¹Носируддин Бурхонуддин Рабғ узий. Қисаси Рабғузий. 2-китоб. Т.: “Фан” нашриёти. 1991. 102-бет.

²Ўша асар, ўша-бет.

³Ўша асар, 103-бет.

⁴Ўша асар, ўша бет.

Демак, ҳатто, Одам алайҳи-с-салом ҳам ҳали туғилмаган охир замон пайғамбари бўлғуси Муҳаммадга умматликка калима келтирган.

Кузатишларимизнинг кўрсатишича, Навоийнинг ўндан ортиқ наът ғазалида нур талқинига дуч келамиз.

Наът ғазалларда нур талқини икки кўринишда намоён бўлади:

а) бевосита тасвир: бунда шоир икки олам айнан ана шу нури Муҳаммадия туфайли яралганининг ўзини сўзу ифодалар билан очиқ баён этиб туриб пайғамбарни таърифлайди;

б) билвосита тасвир: таъриф тавсифда шундай талқинлар келадики, агар нури Муҳаммадия ақидаси инобатга олинмаса, ҳеч нарса англашилмайди.

Энди ана шу бевосита ва билвосита тасвирларни кўриб ўтайлик.

“Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 6-ғазалидаги иккинчи ва учинчи байтларда пайғамбар осмон жисмларига қиёсланади, ҳатто, Қуёшнинг ҳам, унинг эшиги тупроғига юз сурта олармиканман, деб осмондан ҳар куни тушиши, юлдузлар эса меърож кечасида чирокдан нур эмган шамнамдек экани қайд этилади:

*Юз эшигинг тупроғига сурта олгайменму деб,
Чарх қасридин Қуёш ҳар кун тушар олам аро.
Анжум ичра оразинг меърож шоми уйлаким,
Тушсадурри шабчароге ҳар тарафшабнам аро.*

Буерда Муҳаммад пайғамбарнинг меърождаги сиймоси айнан шу нур туфайли осмондаги энг порлоқ жисмлардан ҳам ёруғроқ мавжудот янглиғ қаламга олинган.

“Ғаройиб ус-сиғар”нинг 339-ғазалида ҳам нур талқини берилган:

*Эй тўқуз торами ахзар бўлубон жилвагаҳинг,
Хайли анжум сипаҳинг, нури зубори сияҳинг.*

Айтиляптики, осмондаги юлдузлар – ул зотнинг сипоҳи, яъни лашқари, уларнинг нури – пайғамбарнинг сияҳи, яъни акси. Демак, ғазалдаги талқинга кўра, Муҳаммад алайҳи-с-салом – шу қадар нурли зот.

“Наводир уш-шабоб” девонидаги 242-ғазал матлаъида Ою Қуёш билан пайғамбар жамоли нури тарозига қўйилса, Ой билан Қуёш – тош, пайғамбар жамоли эса – нур экани тасвирланади:

*Жамоли нуруни чеккан тарозу Ою Қуёш,
Магар бу бирида нур эрди, ул бирисида тош.*

Бу билан Ою Куёш ёғдуси нури Муҳаммадиянинг олдида жуда кучсиз бўлиб қолиши қайд этилган.

“Бадоеъ ул-васат” девонининг 114-ғазалидаги бир байтда пайғамбар меърожи маҳали осмон ёритгичларининг бари ул зотдан нур олгани айтилади. Бир қарашда, буни фақат меърож билан боғлиқ тасвир, деб ҳисоблаш мумкин. Лекин моҳиятидан келиб чиқиб назар ташланса, оламни бунёд этишдан мақсадки пайғамбарни дунёга келтириш ва нур бу оламда ҳамма нарсадан бурун яратилган бўлса, Қуёшу Ою юлдузларнинг айнан ана шу Муҳаммад пайғамбар нуридан куч олгани мантиқан асосли бўлиб чиқади.

Мана, ўша байт:

Жамол аро мутажалли юзунгда партави зот,

Камол аро муталоло ўзунгда нуру жуд.

“Фавойид ул-кибар”даги наът ғазалларда ҳам нур талқини берилган. Девондаги 92-ғазал учинчи байтида меърож кечаси пайғамбар юзининг нуридан юлдузлар ҳам нур топди, дейилади:

Юзунг хушидидин ул тун топиб хайли кавокиб нур,

Сочингинг зулмати ул кеча тун рангини айлаб дож.

Шу ғазалнинг 6-байтига келиб эса шоир, ҳатто, пайғамбар меърожга миниб чиққани учар от – Буроқнинг ҳам ўзидан нури из қолдиргани қаламга олинади:

Буроқинг суръатидин хатти нуронийки, расм айлаб,

Аён айлаб бу сайринда нубувват аҳлига минҳож.

Шу девоннинг 107-ғазалида пайғамбар нури билан боғлиқ тўрт (иккинчи, учинчи, тўртинчи ва олтинчи) байт бор:

Сен шамъ, вале гардун фонуси хаёл эрди,

Урганда малак хайли тегрангда саросар чарх.

Чун юқори майл этти нуру азминг бўлди,

Ҳам нурда чарх ахтар, ҳам азмда ахтар чарх.

Шамъингга лаган бўлгач афлок малойикдин,

Парвоналар урдилар тегрангда мукаррар чарх.

*Йўлунг изидин ўзни равшан қилибон кавкаб,
Раҳшинг нуридин кўзни ҳар дам қилиб анвар чарх.*

Шу тарика етти байтли бу ғазалнингтўрт байтида ҳам нурнинг бевосита тасвири келади.

Энди шоирнинг наът ғазалларида **нур** сўзи тилга олинмаса ҳам, яъни билвосита, Муҳаммад пайғамбарнинг Аллоҳ томонидан у дунёю бу дунёдан бурун нур ҳолида яралгани ҳақидаги талқинларига тўхталамиз.

“Ғаройиб ус-сиғар”нинг 114-ғазалидаги матлаъ мана бундай:

*Одамки, башар насли силкига эрур пайванд,
Сувратда – санга волид, маънода – санга фарзанд.*

Айтиляптики, кўринишдан Одам Ато Муҳаммадга ота бўлса ҳам, маъно-моҳиятни, яъни нурнинг олдин яратилганини инобатга олсак, мантиқан Одам Ато Муҳаммадга фарзанд ҳисобланади.

“Бадоеъ ул-васат”нинг 393-ғазалида “Булбашар” деб Одам Ато, “Булқосим” деб Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) тилга олинган:

*Турфа буким, Булбашар келди атоларга ато,
Лек Булқосим деди фарзанд ани беваҳму бийм.*

Булбашар – Одам Атонинг, Булқосим – Муҳаммад пайғамбарнинг куняси. Демак, айтиляптики, Одам Ато не-не оталарга ота бўлса ҳам, Муҳаммад уни кўркмасдан фарзанд деди. Бу ҳам ўша нур сифатида Муҳаммаднинг олдин яралганига ишора.

“Бадоеъ ул-васат”нинг 7-ғазалидаги матлаъда:

*Эй, санга муқтадолиқ ики кавн аро,
Анта хайр ул башар, анта хайр ул варо,–*

дейлади. Муқтадо дегани бўйсунилган, эргашилган кимса маъносини билдиради. Ики кавн эса икки дунё дегани. Нега икки олам унга иқтидо қилади? Бу ҳам– ўша нур ва икки оламнинг яралишидан кўзланган мақсадга дахлдор талқин.

“Бадоеъ ул-васат”нинг 92-ғазали 3-байтида шоир нурни тилга олмайди, лекин Тангрининг асл мақсади гавҳари зотингни яратиш эди, дейиш билан ўшанга ишора қилади:

*Тенгрига гавҳари зотинг эди кулли мақсуд,
Сунъ дарёсин азал субҳи қилурдин маввож.*

Кейинги байтда эса, халқ худди Офтоб нурига муҳтож бўлгандек, Қуёш сенинг нурингга эҳтиёж сезади, дейди шоир:

*Эҳтиёж айлабон изҳор Қуёш раъйингга,
Халқ андоқки Қуёш нурига бўлгай муҳтож.*

Шу ғазал мақтаъси ҳам нур билан боғлиқ талқинга эга:

*Эл не билсун не эди Ҳаққа бу ишда ҳикмат,
Меҳр нури не билуршаппараки тийра мижоз.*

Бу байтда шоир нури Муҳаммадиянинг моҳиятига етиш ҳамманинг ҳам қўлидан келаверадиган иш эмаслигига ишора қилади: нима учун Худо аввал пайғамбар нурини яратгани сирини эл қаердан ҳам англасин? Ахир, кўршапалак Қуёшнинг нури нима эканини билмайди-ку!

“Бадоеъ ул-васат”нинг 114-ғазали учинчи байтидаги фикрни ҳам нури Муҳаммадиясиз тушуниш – қийин:

*Вужудунг икки жаҳон хилқатидин ўлди мурод,
Начукки, зотинг ўлуб икки кавндин мақсуд.*

Вужудинг икки жаҳон хилқатини яратишдан мурод эди, шунинг учун сенинг зотинг икки кавндан ҳам олдин бунёд этилди, дейди шоир.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзан бир ғазалнинг айрим байтида бевосита нурсўзи тилга олинган ҳолда, яна бир бошқа байтида эса, бу сўз келтирилмаса ҳам, Муҳаммад пайғамбарнинг у дунёю бу дунё бунёд этилмасидан бурун нур тарзида яратилгани ишора билан талқин қилинган.

Нурнинг Навоий наът ғазалларида қўлланиши шу асарнинг айнан меърожнома наътми ё васф наътми эканига ҳам боғлиқ. Шоир меърож талқини берилган наътларда нури Муҳаммадияни кўпинча очик келтиради, васф наътларда эса кўпроқ икки кавн (яъни у дунёю бу дунё) сўзларини

кўллайдики, бу ишора орқали моҳиятан нури Муҳаммадия тушунилади. Бунинг сабаби бор: худди шу нур туфайлигина Муҳаммад пайғамбарга Аллоҳ ҳузурига сафар – меърож насиб этди. Чунки бу нур, исломий-тасаввуфий талқинга кўра, аслан Ҳақ таолонинг сояси эди.

Навоийнинг наът ғазалларида нур талқини таҳлиллари қуйидаги хулосаларни илгари суриш имконини беради:

– Шоирнинг мақсади – ғазалларида охир замон пайғамбарини ҳар тарафлама комил инсон сифатида тасвирлаш. Нури Муҳаммадия талқинига ҳам шу мақсад йўлидаги уринишлар тарзида қараш лозим.

– XV аср иккинчи ярмига қадар ҳам ўзбек адабиётида нури Муҳаммадия қаламга олинган. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Бурҳонуддин Рабғузий асарлари бунга ёрқин мисол. Аммо Алишер Навоий наът ғазалларида бу алоҳида бадиий чўққига кўтарилди. Шоир қаламининг кучи билан нури Муҳаммадия талқинлари ўзида бир банда, бир умматнинг ҳиссий-қалбий муносабатини акс эттиради.